ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ва ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ва ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу:

Ким Ёнг Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” асарида психологизм

Бажарди: “Корейс филологияси” таълим йўналиши битирувчи 4 курс талабаси Эшниёзова Маҳлиё

Илмий раҳбар: “Корейс филологияси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н. У.Т.Сайдазимова

ТОШКЕНТ-2013

Битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

“Узоқ шарқ ва Жанубий Осиё тиллари”
факультети декани
ф.ф.н., к/ўқ. С.А.Носирова
_____
“_____”_____2013 йил

«Хорижий Шарқ
мамлакатлари адабиёти”
кафедраси мудири
ф.ф.н., доц. У.У.Мухибова
_____
“_____”_____2013 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

1-боб. **XX аср Корея адабиёти** 7

1.1. 1945-йилдан кейинги корейс романи ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маданий асослари 7

1.2. Ким Ён Сокнинг ҳаёт ва ижод йўли.....15

2-боб. “Электричка хайдовчиси” асарида бадиий ва психологик таҳлил маҳорати.....20

2.1. “Электричка ҳайдовчиси” асари таҳлили.....20

2.2 “Электричка ҳайдовчиси” асарида ички монолог.....26

2.3. “Электричка ҳайдовчиси” образларининг психологик портрети.....30

Хулоса.....35

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....37

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. “Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак”.[1]

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий тилларни ўрганишга кенг йўл очиб берилди. Хусусан, корейс тилини ўрганиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва Жанубий Корея Республикаси ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу тилни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Корейс адабиёти ўзига хослиги, жанрларнинг хилма-хиллиги, ва мўъжизавийлиги билан китобхонларни қизиқтириб келган. XX аср корейс насрининг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини англаб етиш ва умумлаштириш, унинг Корея бадиий маданиятидаги ўрнини аниқлаш шубҳасиз, муҳим иш ҳисобланади. Ушбу битирув малакавий иш ҳозирги замон корейс прозасининг атоқли намояндаси Ким Ён Сок ижодига бағишланган. Биз битирув малакавий ишда унинг энг машҳур асарларидан бири – “Электричка ҳайдовчиси” қиссасини таҳлилга тортдик.

Ким Ён Сок исми энг янги даврнинг атоқли ёзувчилари исмлари билан бир қаторда туради, зеро у ўз ижодини тўлалигича корейс халқига бағишлади ва уларнинг ҳаётини бадиий воситалар билан ҳаққоний тасвирлашда юксак натижаларга эришди. Айни мана шу ҳол мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий корейс адабиёти ва Ким Ён Сок ижодиёти ўзбек адабий жамоатчилиги ҳамда шарқшунослари томонидан монографик планда ўрганилмаган бўлса-да,

[1] Каримов И.А. Маънавий юксалиш йулида.-Т.:Узбекистон, 1998.-Б.10

корейс адабиётшунослари томонидан жиддий ўрганилган. Ёзувчи ижоди илк бора Ким Ёнг Жонг (김영종) томонидан “Мустақилликдан олдинги ва кейинги адабиётда мавзулар кўлами” 1991, Сеул, кейинчалик эса “Яна бир бор ўқигулик бизнинг наср 3” китобида “Электричка ҳайдовчиси” асари орқали кенгроқ ёритилган. Шунингдек муаллиф ва давр масаласи Ким Юн Сикнинг “Замонавий адабиёт энциклопедияси” (Сеул,2010) илмий-оммабоп асарида ҳам ёритиб ўтилган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқшунос олималари томонидан бакалавриат йўналишидаги талабалар учун 2012 йилда нашр этилган “Ўрганилаётган тил мамлакати адабиёти (Корея)” ўқув қўлланмасида Ким Ён Сок ҳаёти ва ижод намуналари тўғрисида қисман маълумот берилган бўлса-да, унинг ижодиёти тадқиққа муҳтож эмас, дейиш мушкул. Қолаверса, бугунги кун шарқшунослигимизда бу борада яхлит бир тадқиқот йўқлигини ҳисобга олиш зарур.

Битирув малакавий иш манбалари. Тадқиқотнинг асосий манбалари Ким Ёнг Жонг, Чо Юнже, Юн Хонро, Ким Юнсик каби корейс олимларининг асарлари ҳамда Квон Ёнг Миннинг “Замонавий адабиёт қомуси” (권영민 현대 문학사) ҳисобланади.

Шунингдек, корейс адабиётининг ривожланиши муаммоларини ўрганиш билан бевосита шуғулланган рус олимлар – М.И.Никитина, А.Ф.Троцевич, В.И.Иванова, Д.Д.Елисеев, А.Тен асарларидан тадқиқот учун ноёб материал олинди, янги давр Корея адабиётига доир материаллар, “Электричка ҳайдовчиси” қиссасини таҳлил қилишда эса замонавий корейс насри тўлиқроқ берилган интернет сайтлардан, корейс олимларининг йирик илмий мақолаларидан ҳам назарий манбалар сифатида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот доирасида ҳозирги замон корейс насрининг вужудга келиш асосларини аниқлаш, унинг миллий ўзига хослигини ёритиб бериш, ҳозирги замон корейс қисса жанри учун корейс адабиёти тарихидан муносиб ўрин топиши ва ҳозирги давр китобхонини ушбу жанрнинг энг сара намуналари билан таништириш ишнинг мақсадини белгилайди.

Ким Ён Сок ижоди корейс адабиётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Аммо ўзбек корейсшунослигида бу ёзувчининг ижоди атрофлича ўрганилмаган, унинг асарлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган, адиб ҳаёти ва ижод йўлининг кўпгина фактлари бизга ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда. Шу туфайли ҳам мазкур тадқиқотнинг мақсади айни шу “сир”нинг тагига етиш йўлида дастлабки қадамларни ташлашдан иборат.

Тадқиқот жараёнида юқорида зикр этилган мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифаларни** белгилаб олинди:

1. Ҳозирги замон корейс адабиёти вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” қиссаси ёзилишига туртки берган ижтимоий-тарихий ва маданий омиллари ва шарт-шароитларига тавсиф бериш.
2. Ҳозирги замон корейс адабиётининг ривожланишида Ким Ён Сокнинг ўрни ва ролини аниқлаш.
3. Муаллиф қисса устида ишлаш жараёнида амал қилган асосий бадиий услубни аниқлаш.
4. Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” қиссаси таҳлили асосида муаллиф томонидан қўйилган фалсафий муаммоларни (масалан, инсон шахсини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш муаммоси), ёзувчининг Шарқ ва Ғарб турли фалсафий тизимлари синтезидан иборат бўлган фалсафий қарашларини аниқлаш.
5. Роман қаҳрамонлари образлари тизимини ўрганиш, ҳозирги воқелик инсоннинг адабий талқини ва тасвирига олиб кирган янги

унсурларни аниқлаш, улар феъл-атворининг тадрижий ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни кузатиш.

Қўйилган вазифани ҳал қилиш учун Ким Ён Сокнинг энг машҳур асарларидан бири – “Электричка ҳайдовчиси” қиссаси танлаб олинди.

Ишнинг янгилиги. Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” қиссаси ўзининг замон билан ҳамоҳанглигини ҳанузгача йўқотгани йўқ, зеро у инсонга чуқур эҳтиром, инсон шахсининг эркинлиги, фуқаролик бурчи, эркин дунёқараш руҳи билан суғорилган.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш Кириш, икки фаслни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланди, мақсад ва вазифалари қўйилди, унинг янгилик даражасига тавсиф берилади, ишнинг амалий ва назарий аҳамияти, асосий манбалар кўрсатилди.

Икки бобни ўз ичига олган асосий қисмда XX аср корейс адабиёти, ижтимоий-сиёсий муҳит, Ким Ён Сок ҳаёти ва ижоди, “Электричка ҳайдовчиси” қиссаси психологик таҳлили берилди.

Хулоса қисмида ушбу битирув малакавий иш жараёнида эришилган натижалар умумлаштирилди ва тегишли хулосалар чиқарилди, шунингдек ҳозирги замон корейс адабиётининг ривожланиш истиқболларига Ким Ён Сок ижоди мисолида тавсиф берилди.

1 боб. **XX аср Корея адабиёти**

1.1. 1945-йиллардан кейинги корейс романи ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маданий асослари

Кореянинг беш минг йиллик тарихи – бу ғалабалар ва фожиалар тарихи, ҳозирги Корея ва кореяликларни шакллантирган равнақ топиш ва кураш даврлари тарихидир.

XX асрнинг 1945 йилида вужудга келган ҳозирги замон корейс адабиёти зиддиятларга тўла ривожланиш йўлини босиб ўтди. Биз ўрганаётган давр – 70-80-йиллар Корея тарихидаги энг оғир даврлардан бири ҳисобланади. Бу даврда Кореяда ўта оғир сиёсий вазият юзага келди.

Бунинг таъсири остида 45-йилларда ижод этган адиблар ўз кўрган-кечирганларига асосланган ҳолда ижод эта бошладилар. Мустақилликдан олдин ва кейинги сиёсий ҳолатни ўзига хос услубда ёритиб берган ёзувчилардан бири Ким Ён Сокдир. 1950-1960 йилларга келиб “Корея уруши” (1950-1953) ва “Апрел революцияси” сабаб Кореяда мураккаб сиёсий ҳолат тарихдан маълум. Бўлиб ўтган урушлар натижасида халқ қашшоқлик, оч-наҳорлик ва иқтисодий тангликни бошидан ўтказа бошлади. Апрел революцияси орқали халқ йиллаб давом этган зулмкор сиёсий тузумга қарши чиқди. Демократик жамият учун олиб борилаётган курашлар даврида адабиёт олами вакиллари ушбу жараёнларни асарларда моҳирлик ила қайд этиб борди. Мустақилликкача бўлган давр адабиёти ўзида озодликка ундаш ғояларини мужассам этган бўлса, 1950-1960 йиллар адабиёти ўзида мамлакатда ҳукм сураётган мафкуралар тўқнашувини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ким Ён Сокнинг асарлари ўзида юқорида санаб ўтилган хусусиятларни мужассам этгани учун ҳам аҳамиятлидир. “Электричка ҳайдовчиси” асарида ҳам мустақилликдан олдинги ва кейинги халқ ҳолати ва қарашлари, муросага кела олмай парчаланиш масалалари олиб чиқилган.

Мамлакатни хонавайрон қилган уруш тугаганидан сўнг вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш корейс халқи учун биринчи даражали

вазифага айланди. Ким Ён Сок ўз асарларида тикланиш ва ёхуд эски тузумга амал қилиб яшаш каби қарама-қаршиликларни замона муаммоси сифатида ёритиб ўтган.

60-йиллардаги ижтимоий-сиёсий жараёнга тўхталадиган бўлсак, Корея аҳолиси ўртасида ўз куч-ғайрати билан иқтисодий юксалишга эришишга интилиш кучайди. Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик режаси пайдо бўлди. 70-йилларга келиб Корея Республикаси иқтисодиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодий юксалиш билан бир вақтда фан, маданият ва маорифнинг барча тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Жаҳон Кореянинг шитоб билан ривожланишининг гувоҳи бўлди. Қисқа вақт ичида Корея халқаро майдонда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. “Ханган дарёсидаги мўъжиза” донғи бутун дунёга таралди. Бу ажойиб иқтисодий юксалиш натижасида Корея қашшоқ аграр мамлакатдан илғор саноатлашган давлатга айланди, “Осиёнинг тўрт аждари”дан бири сифатида тан олинди[2]. Халқнинг моддий фаровонлик даражаси ошди, шу билан бир вақтда бадиий маданият, шу жумладан корейс адабиёти ҳам ривожланди.

Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг мутахассислар (уларнинг ёрдамида оддий китобхонлар ҳам) ҳозирги замон Жанубий Корея адабиёти билан танишиш имкониятини қўлга киритдилар. 80-йилларда демократиялашув жараёнлари ва цензура чекловларининг бирмунча енгиллашуви сиёсий ва тарихий роман жанрининг равнақ топишига олиб келди. Иш ташлаш ташкилотчилари ёки Корея уруши давридаги партизан-коммунистларнинг аксарияти адабий асарларнинг қаҳрамонларига айландилар. Кўнгилочар роман жанрининг даври бошланди, енгил-елпи мавзудаги асарларга қизиқиш кучайди. Ҳақиқий “юксак” адабиёт ҳам жамият муаммоларидан

[2] Корея: цифры и факты. Сеул. 1993. С. 23.

кўра кўпроқ индивидуал ҳаёт ва инсоннинг ички дунёси масалаларига қараб мўлжал ола бошлади.[3]

Ушбу адабий анъана “한” (Хан- “чексиз ғам-ҳасрат”, “азоб-уқубат”) принципига асосланади. Бу принцип сўнгги ўн йилликларда сеуллик интеллектуаллар томонидан бутун корейс маданиятининг эмоционал асоси деб эълон қилинган. Корея ижодкор зиёлилари қайғу, ғам-ҳасрат ва азоб-уқубатларгина бадиий тасвирлашга лойиқдир, деган эътиқод асосида тарбияланган. Зеро булар теран ва нафис инсоний ҳис-туйғулар бўлиб, уларни сезишга ўта батартиб, нозик табиатли шахсларгина қодир, хушвақтлик ва ҳаёт лаззатларига ўчлик эса фақат тўқимтабиат одамларга хос бўлган хусусиятлардир.[4]

Кореяда кенг тарқалган яна бир жанр – “автобиография” жанри ҳам диққатга сазовордир.[5] Автобиографияларни, одатда, машҳур давлат ва жамоат арбоблари, актёрлар ёзган, лекин оддий уй бекаси ёзиши ҳам мумкин бўлган. Бу китоблар юксак адабиёт намуналаридан бутунлай фарқ қилган. Хусусан, улар ҳикматли фикр-мулоҳазаларга тўлалиги, ҳозирги замон Корея жамиятидаги кўпгина муҳим масалаларнинг ечимини таклиф этишга ҳаракат қилиши билан ажралиб турган. Бундай муаллифлар ўз асарларида кўпинча ижтимоий адолатсизлик, саноатлашиш ва модернизациянинг инсонга шикастли таъсири мавзусига қўл урадилар.

1960-йилларнинг ўрталарида ва 1970-йилларнинг бошида Корея адабиётида янги ёзувчилар авлоди пайдо бўлди. Улар адабий дунёда аста-секин ўз асарлари билан довруқ қозона бошладилар. Бу ёзувчилар Кореядаги уруш пайтида ҳали ёш бола ёки ўспирин бўлганлар, шунинг учун ҳам уруш даҳшатлари ҳақида хотиралар уларда сақланиб қолмаган. Натижада уруш ва унинг оқибатлари мавзуси ҳозирги замон корейс адабиётида иккинчи даражали роль ўйнай бошлади. Бу даврда ижтимоий-сиёсий муаммолар яна биринчи ўринга чиқади, шу билан бир вақтда

[3] Ланьков А.Н. Корейцы и книги. Сеульский вестник. Сеул. 1999, С. 6.
[4] Габрусенко Т. Корейская литература и российский читатель. Русский журнал Круг чтения. М. 2000. С. 4.
[5] Ўша ерда. – Б.7.

коррупцияга ва ҳокимият ваколатларини суистеъмол қилишга қарши кураш масалаларига эътибор кучаяди. Бу даврда яратилган асарларнинг қаҳрамонлари асосан жамиятнинг энг қуйи табақалари вакиллари, яъни адолатсиз жамият билан мунозарага бораётган, мазкур курашда мағлубиятга учрашлари муқаррар бўлган одамлардир.[6]

XX асрнинг 70-йиллари Корея тарихи зарварақларидан "ривожланиш ва тараққиёт даври" сифатида ўрин олган.[7] Бу даврда уруш яралари деярли тузалди, мамлакатда саноат жадал суръатларда ривожлана бошлади, пировард натижада Корея жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари қаторидан ўрин олди. Мамлакатда одамларнинг яшаш шароитлари ўзгара бошлади, натурал қишлоқ хўжалиги йўқ бўлиб кетди, қишлоқда яшовчи аҳоли шаҳарларда жойлашган корхоналарга ишчилар сифатида жалб қилина бошлади. Бу ҳол ўз-ўзидан аҳоли асосан шаҳарларда жамланишига, шу билан бир вақтда шаҳар аҳолисининг қашшоқ қатламлари сони кўпайишига олиб келди.

Мамлакатдаги бундай ижтимоий вазият корейс адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, янги мавзудаги насрий асарлар яратиш учун бой материал тақдим этди. Аммо мамлакатдаги иқтисодий юксалиш аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий муҳофаза қилинмаган қатламларига нисбатан тенгсизлик даражасини янада кучайтирди, бу эса ижтимоий адолатсизликка барҳам беришга монелик қилар эди.

XX асрнинг 70–80-йилларида насрий асарларнинг ички тузилиши ва мазмунидагина эмас, балки бутун корейс адабиётида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу даврда адабиётга ёзувчиларнинг янги авлоди, чунончи: Хван Сон Ен, Чо Со Хэ, И Мун Гу, Пак Ван Со, Ян Кви Джа ва бошқалар кириб келди.

Кейинчалик корейс адабиёти тарихидаги мазкур мураккаб ва шу билан бир вақтда ўта қизиқарли босқичда корейс адабиётидан мустаҳкам

[6] См: Корея: цифры и факты. Сеул. 1993. С. 25.
[7] См: Вестник центра корейского языка и культуры. – С.-Петербург, 2005. Вып. 8. С. 49.

ўрин олган янги адиблар ўзларининг давр руҳини акс эттирувчи асарлари билан майдонга чиқдилар.

60-йилларда ёзувчилар ўз асарларида ҳаётни идеаллаштирган бўлсалар, 70-йилларда уларнинг диққат марказидан реал ҳаёт ўрин олди. Масалан, ёзувчи Сонг Ки Сук ўзининг “자라걸의 만가” (Чжаракол элегияси), “암태도” (Амтхэ ороли) деб номланган асарларида қишлоқ аҳолисининг урбанизацияга қарши ҳаракатини кўрсатиб берди.

Ким Чун Бок “삼짓걸” (Самчжиткол) асарида қишлоқ ҳаётининг реаллигини тасдиқлади, Чон Синг Се “낙월도” (Наквол ороли), “새왕궁” (Қиролнинг янги саройи) ва бошқа бир қатор асарларда балиқчилар яшайдиган қишлоқлар ҳаётини тасвирлади.

Саноатлашиш даври бошланиши билан кореялик ёзувчиларнинг насрий асарларида мазкур ҳодисанинг салбий томонлари ҳам ўз аксини топди. Бунга Хванг Сок Ёнгнинг “삼포에 가는 길” (Сампога йўл), “외국” (Бегона юрт), Чжо Се Хининг “난장기로 위에 던진 자근 공” (Пакана осмонга отган кичкина тўп) ва бошқа асарлар мисол бўлади.

70-йилларда кореяликлар оғир сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳаёт кечирдилар. Бу ҳол корейс адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди: номукаммал персонажлар, “казарма” адабиёти унсурлари пайдо бўлиши – буларнинг барчаси И Чонг Чжуннинг “퇴원” (Касалхонадан чиқиш), “병과 바보” “Касаллик ва тентак”, “행방불맹” (Бедарак йўқолган), Че Ин Хонинг “병자하생” (Шогирд-пациент), Мун Суннинг “눈수술” (Кўзга қилинган жарроҳлик), Хён Ги Ёнгнинг “수니의 아저씨”, (Суни тоға), Им Чол Унинг “직선과 독가스” (Тўғри чизиқ ва заҳарли газлар) асарларида ўз аксини топди.

1970-йиллар – бу диктатура ҳамда ислоҳотларнинг рад этилиши даври ҳисобланади. Мамлакатда юзага келган вазият 1980 йил майда Кванджу шаҳрида халқ қўзғолони кўтарилишига олиб келди.

Бу аянчли тажриба корейс адабиётига улкан таъсир кўрсатди. Айни шу сабабли 80-йиллар адабиётини юқорида зикр этилган воқеалардан ажратиш мумкин эмас. Бошқа томондан, 70-йилларда бошланган ва 80-йилларда ривожланишда давом этган саноатлашув жараёни ишчилар синфининг мавқеи мустаҳкамланишига олиб келади ва мавжудлик учун кураш жуда қизғин тус олади.

1980-йиллар – бу халқ адабиётининг ривожланиш даври. 70-йилларда вужудга келган бу адабиёт аста-секин мустаҳкамланиб борди.

Шу йилларда кўплаб “민중” (минчжун) “халқ оммаси ҳақида романлар” ва “노동자” (нодончжа) “ишчилар ҳақида романлар” пайдо бўлди, уларда саноатлашув жараёни билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммолар мажмуи ўзининг тўлиқ аксини топди[8]. Бу асарларда ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш ва миллатнинг бўлғуси ривожланишида бош рол ишчилар синфига ажратилди. 1987 йил июнида Олтинчи республика ўрнатилишига олиб келган воқеаларда ишчилар ўйнаган рол “ишчилар ҳақидаги романлар” ривожига кучли туртки берди.

1980 йилги Кванчжу қўзғолони фонида ўша давр жамиятида мавжуд зиддиятлар янада бўртиб намоён бўлди. Жамият олдида турган муаммоларни зудлик билан ечиш, хусусан иккига парчаланган мамлакат жароҳатларини даволаш зарурлигини англаш ҳисси янада кучайди.

Айни шу даврда “문학의 분열” “парчаланиш адабиёти”[9] – Чхве Ин Хуннинг “사각형” (“Квадрат”), “광장” (“Майдон”), Ли Мун Елнинг “영웅시대” (“Қаҳрамон даври”) романлари пайдо бўлди. Бу асарларда инсон ўзи танлаган йўл учун шахсан жавобгар эканлиги таъкидланади. Чо Чжон

[8] Виноградова Н.А., Николаева Н.С. Малая история искусств. – М., 1979. – С. 173.
[9] Вестник центра корейского языка и культуры. – С.-Петербург, 2005. Вып. 8. – С.52.

Нэнинг “태복산” (“Тхэбэксан”) романида парчаланиш йирик ер эгалари ва ижарачи деҳқонлар ўртасидаги синфий курашнинг умумий мантиқидан бевосита келиб чиққан, деган фикр илгари сурилади.

“Парчаланиш” насрини бир неча типларга ажратиш мумкин: биринчи – ҳозирги кун билан боғланган, мафкуравий қарама-қаршиликлар тавсифига бағишланган асарлар; иккинчи – мафкуравий уйдирма ва халқ фожиаси; учинчи – жамият ҳаётидаги фожиалар манбаи кўрсатилган асарлар. Бундан ташқари, шундай асарлар ҳам борки, уларда жамиятнинг парчаланиши сабаблари ва унга барҳам бериш имкониятлари кўрсатилган. Булар – Хванг Сок Ёнгнинг “총의 그림자” (“Қурол сояси”), И Санг Муннинг “노란 사람들” (“Сариқ одамлар”) романлари ва бошқа асарлар.

Юқорида зикр этилган асарлардан ташқари, шундай бир асарлар ҳам борки, уларда оддий одамлар ҳаётидан олинган саҳналар мисолида жамиятдаги зиддиятлар кўрсатилган. Масалан, Пак Ван Сонинг “원민동의 사람” (“Вонмидонг одамлари”) ҳикоялар тўплами, Ким Ён Сонгнинг “도둑의 메모” (“Ўғрининг ҳикоялари”), Ким Хянг Сукнинг индивидуал ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган муаммоларни акс эттирувчи “겨울빛” (“Қишки нур”) асари, Юн Ху Мённинг инсон яшаган ўтган умр ҳақида ҳикоя қилувчи “원숭이가 없다” (“Маймунлар йўқ”) асари, Че Ил Намнинг юз бераётган воқелик муаммоларини кўтариб чиққан “그때 얘기함” (“Ўша даврда гапиришган”) асари, Ким Чё Воннинг бир аёл ҳис-туйғулари олами тасвирига бағишланган “겨울스케치” (“Қишки қоралама”) асари ва бошқалар.

Шундай қилиб, XX асрнинг 45-йилларидан сўнг Корея бадиий насрида саноатлашув, сиёсий тўнтариш, ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги мунозаралар, мамлакатнинг иккига парчаланиши, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан талабаларнинг намойишлари

муаммолари кўтарилган. Замон тараққий этиб боргани сари одамлар онгида туб ўзгаришлар юз беради ва ижтимоий муаммолар ўрнига уларни кундалик муаммолар, чунончи: ҳақиқий ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат, инсон бу ҳаётга нима учун келади, нималарни орзу қилади, унинг орзулари рўёбга чиқишига нималар халақит беради, деган саволлар қизиқтира бошлайди.

Корея ўзининг кўп сонли романнавис ёзувчилари, бадиий наср намуналарини чоп этувчи турли хил журналлари ва нашрлари билан фахрланишга ҳақли. Ҳатто ҳар куни чиқадиган газеталарда ҳам романлар қисмларга бўлиб чоп этилади. Гарчи адабий асарларга баҳо бериш мезонларининг пасайиш хавфи мавжуд бўлса-да, бу истеъдодли ёзувчиларга нафақат бир лаҳзада ном чиқариш, балки кўп миқдорда қалам ҳақи олиш имкониятини ҳам беради. Бунга ҳар йили бериладиган кўп сонли адабий мукофотларни ҳам қўшсак, бадиий адабиётлар бозорининг кенг формуласини оламиз.

Юқорида ёритиб берилган мустақилликдан кейинги адабий жараёнлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, адабиётда ўзига хос услуби, қалам тебратган мавзулари нуқтаи назаридан Ким Ён Сок ўз асарларида психологизмга кўпроқ эътибор берганлиги, ўзидан келажак даврда тилга олиниши мумкин бўлган мавзуларни ҳам қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Ва биз уни тўлақонли новатор деб эътироф этсак янглишмаган бўламиз. Бу адибнинг исми адабий давралардагина эмас, балки оммавий китобхон орасида ҳам машҳур. 40-йилларнинг охири – 60-йиллар корейс адабиётининг ёрқин вакилларидан бири бўлган Ким Ён Сок адабиётда реалистик йўналиш намояндаси ҳисобланади.

1.2. Ким Ён Сокнинг ҳаёт ва ижод йўли

Ким Ён Сок ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар жуда ҳам кам бўлиб, ҳатто унинг қайси йили туғилганлиги номаълум. У 1938 йили “Тона-илбо” газетаси томонидан эълон қилинган адабиёт бўйича танловда ўзининг “Каптарлар васвасаси” асари билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди ҳамда биринчи маротаба адабий давраларда пайдо бўлди. У ўзининг илк асарлари билан адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Бу асарида Ким Ён Сок ўрта синф вакилларининг ҳаётини, уларнинг ўзаро муносабатларини ёрқин бўёқларда акс эттирди. Адибнинг биринчи асари – “Каптарлар васвасаси” унга бутун мамлакат миқёсида шуҳрат келтирди, муваффақиятли дебютдан кейин яратган “Маош куни содир бўлган воқеа”, “Сотувчи” асарлари эса бу даражада китобхонлар эътиборини қозона олмади.

Ёзувчининг бу асарига машҳур корейс адабиётшуноси Ю Чжин О юксак баҳо берган ҳамда ғолибликка тавсия этган эди.

1945 йили Корея озодликка эришгач, Ким Ён Сок “Корея адабий арбоблари иттифоқи”да иш бошлади. Ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда фаоллиги учун “Адабий арбоблар иттифоқи” ғоялари билан суғорилган “Корейс адабиётини тарғиб қилиш учун ҳаракат” мактабини бошқаришга муваффиқ бўлди. Мактабни бошқариш давомида у корейс адабиётини тарғиб қилиш, корейс адабиётининг ўзига хос хусусиятини кўрсатиш, корейс адабиётида мавжуд нодир асарларни китобхонлар эътиборига етказиш мақсадида турли йўналиш ва соҳаларда фаолият юритди.

Ким Ён Сок адабиётшунослар орасида “Ҳақиқий корейс миллий адабиёти қандай бўлиши керак?” мавзуида корейс адабиёти масалаларига бағишланган диспутлар ўтказди. Жанубда мустақил давлат қурилиши жараёнида миллий ғояни сақлаб қолиш учун у ўзининг адабиёт назариясини таклиф этди.

Бу давр унинг ижодининг юксалиши билан ажралиб туради ҳамда адиб китобхонларга манзур бўлган, халқнинг дардини ёритган “Бўрон”, “Ер қаърига йўл”, “Электричка ҳайдовчиси” каби асарларини яратди. Муаллиф уларда жамиятда юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ муаммоларни очиб берди. Унинг ижодида эски адабий анъаналарнинг бузилиш жараёни ҳамда мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар таъсирида юзага келган зиддиятлар натижасида инсоний қадриятларнинг йўқолиши бўртиб намоён бўлди.

Ким Ён Сок ижодида мустақил давлат қуриш ғоялари кузатилади, адиб ҳар доим давлат бошида оддий меҳнаткаш халқ - ишчи ва деҳқонларни, улар томонидан қурилган адолатли давлатни кўришни орзу қилади. Шунинг учун ҳам адиб жанубда адабий ҳаракатлар учун курашда фаоллик кўрсатган Им Хван, Ким Нам Чханлар қаторидан ўрин олди.

Одамзот доим бировнинг ҳаётига қизиқади. Ёзувчида бундай қизиқиш чандон кучли бўлади. Одам боласи йўққи, бировнинг ҳикоясини эшитиш жараёнида беихтиёр ўз ҳаёти ҳақида ўйламасин. Ҳар бир инсон ҳаётини кузатадиган бўлсак, ўз ҳаёти ва ўзгалар ҳаётининг турли-туман зиддиятларини солиштиришларнинг адоғи йўқлигининг гувоҳи бўламиз.

“Бўрон”, “Ер қаърига йўл”, “Электричка ҳайдовчиси” каби асарларнинг персонажларида биз ўзимизни таниймиз ва шу билан бир вақтда уларда адибнинг ўз шахсияти намоён бўлади. Унинг барча асарлари озми-кўпми автобиографик хусусиятга эга.

Кенг китобхонлар оммаси эътиборини адибнинг “Электричка ҳайдовчиси” асари ўзининг жонли ва қизиқарлилиги, ҳамда ҳаққонийлиги билан ўзига тортди. Ким Ён Сокнинг мазкур асари китобхонлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Шу вақтдан бошлаб эълон қилинган кўп сонли ҳикоялар, қиссалар ва романларда муаллиф ўзи яшаётган жамият ҳаётининг турли томонларини китобхонларга очиб берди. Бу асарларда адиб турли авлодлар ва гуруҳларнинг вакиллари ўртасидаги

муносабатларни, шунингдек ёш авлод вакилларини тўлқинлантираётган ҳаётда ўз ўрнини излаш муаммоларини муҳокама қилди.

Бу даврда яратилган насрий асарлар назмда ижод қилган Ким Со Вол, Ли Сан Хва каби адиблар асарлари билан узвий боғлиқ эди. Чунки бу шоирлар ҳам Ким Ён Сок каби халқни озодлик учун курашга чорловчи шеърлар ёзишган. Руҳияти синган халқнинг дардига малҳам бўлган, ҳаётда тушкунликка тушмаслик, умидни узмаслик каби миллий ғояга йўғрилган асарлар ҳам назмда, ҳам насрда халқ учун даркор эди.

Шу билан бирга бу даврда яратилган асарларда миллий ғоя кучли эътироф этилиши билан бирга, ёзувчи маҳорати, ижодий ёндошувга кам эътибор берилган. Чунки бу давр муаллифлари ўз асарларида янги ҳаёт, мустақил давлат қуриш, халқ саводхонлигини ошириш, аёллар ҳуқуқининг поймол этилишига чек қўйиш кабиларни тасвирлаш – муҳим масала деб қарашган. Хусусан, Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” асари ҳам бундан мустасно эмас. Асарда муаллиф жамият ва шахсий ҳаёт инсоннинг кундалик ташвишларида уйғунлашиб кетишини тасвирлашга ҳаракат қилган. Шу билан бирга бир мақсад остидаги одамларнинг гуруҳ-гуруҳларга ажралиши, халқ орасидаги парчаланиш, инсонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқлиги, инсон қайсарликлари ортидан келадиган муаммолар бирдек ёритилган. Асар биринчи маротаба “Синчончи” журналида нашр эттирилган. Ундаги қаҳрамонлар эса, ўша давр инсонларини тасвирлайди. Асарда инсон ва жамият мавзуси олиб чиқилиб, ундаги воқелар ривожида иштирок этган қаҳрамонлар фақатгина ўзлари тан олган ҳақиқат ватан равнақига ҳизмат қилади деб ўйлайдилар. Бошқа даврдош ижодкорлар асарида олиб чиқилганидек Ким Ён Сокнинг ушбу асарида ҳам коммунизм ва демократик жамият масалалари кўтарилган. Шунингдек мустақилликка эришиш арафасидаги авомнинг бир вақтнинг ўзида қарама-қарши руҳдаги қаҳрамонлар орқали жамиятни инкор қилиш ва янги даврга мос янги мафкура, ҳукумат яратиш даъвосини олға сурган.

Ёзувчи ижод қилган жанрни фақатгина реализм ёки модернизмга оид деб айта олмаймиз, сабаби аксарият ёзувчилар ижодида ҳам реализмга, ҳам модернизмга оид элементлар ёнма-ён мавжуд бўлиб, ўзаро тўқнашади ва курашади. Ёзувчилар ижодида ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли масалалари ҳар хил индивидуал услуб ва жанрлар орқали ўз ифодасини топади. Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” қиссасида қўлланилган бадиий услубнинг ўзига хослиги шундаки, асарда кўпроқ ички монологни кузатишимиз мумкин, воқеа иштирокчилари ҳам у даражада кўп эмас. Қаҳрамон тафаккури ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар урғу кўпроқ бош қаҳрамон дунёси ва фикрлаш тарзига берилган. Кенг қамровли воқеалар баёни ўрнига қаҳрамон ҳатти ҳаракати ва онгида кечаётган фикрларни ёритиш орқали китобхонни асар билан ҳамнафас қилиб қўяди. Бу орқали эса ёзувчи қаҳрамонлар ички дунёсини очиб беришда ўз услубига эга эканлиги сезилиб туради.

Корея замонавий адабиётида мустақилликдан сўнг яратилган мустақилликкача бўлган ҳолатни ёритиш масаласида Ватанида яшаган чоғида у қашшоқлик ёқасида турган кўплаб юртдошлари тақдирига шерик бўлиш, улар олдида яшаш ва озиқ-овқат топиш каби энг муҳим муаммолар, ризқ-рўз талабида ватанини ташлаб кетиш, пул топиш учун ўзга юртларга боришга қарор қилиш, миссионерларга эргашган ҳолда ватанидан чиқиб кетиб қайтиб келгандан сўнг янги мафкуравий мамлакат қуриш, ҳаётий синовлари кўплаб дуч келган эмигрантлар гуруҳи мавзулари кўп қаламга олинган ва бу хусусият Ким Ён Сокни ҳам четлаб ўтмаган. Бироқ у бу масалаларга бошқа бир жиҳатдан ёндошганини кўришимиз мумкин. Унинг асаридаги фарқли томон эса озодлик учун бўлган ягона мақсад эмас, ҳудудий ва мафкуравий кураш диққат марказига айланганлигидир.

Ким Ён Сок ўз асарларида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланмасдан, озодлик учун кураш йўллари, янги жамият қуриш тамойиллари ҳақида гап юритади. Ва адиб биринчилардан

бўлиб, фақат кураш корейс халқини озодликка етаклайди, деган фикрни билдирган. Ким Ён Сок ўз орзуларини фақат асарларида ифода этмаган, у ҳаётда ҳам фаол курашчи бўлган. Таълим соҳасига ўзгартиришлар киритиш, оммавий намойишлар уюштиришда адиб ҳар доим ўзи орзу қилган қаҳрамони каби фаоллик кўрсатган.

2-боб. “Электричка хайдовчиси” асарида бадиий ва психологик таҳлил маҳорати

2.1. “Электричка ҳайдовчиси” асари таҳлили

Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” ҳикояси ижтимоий мавзуда ёзилган. Муаллиф мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар муносабати билан юзага келган муаммоларни таҳлил қилади. Адиб Корея учун “ғайриоддий” бўлган одамлар ўртасидаги муносабатларга эътиборни қаратади, турли йўллар билан мансаб пиллапояларидан, яхшироқ ҳаёт сари кўтарилаётган “ғайриоддий даражада” фаол персонажлар ҳақида ҳикоя қилади. Адиб асарлари қаторидан салмоқли ўрин олган “Электричка ҳайдовчиси” ҳикояси қаҳрамонларини узил-кесил ижобий ёки салбий деб тавсифлаш қийин. Улар бошқача одамлар, лўнда қилиб айтганда, ҳозирги жамият – истеъмол жамиятининг янги қонунларига бўйсуниб яшаши лозим бўлган одамлардир.

Ўта кузатувчан бўлган адиб ишчиларнинг янги типини тасвирлайди. Бу персонажлар жамиятнинг турли табақаларига мансуб, лекин уларни шу даврга хос бўлган умумий интилиш – бошқалардан ёмон яшамаслик, имконият бўлса, улардан ҳам яхшироқ яшашга интилиш бирлаштиради.

Асар бош қаҳрамон Ли У Сик ҳикояси орқали берилган. Асарда муаллиф фикри, воқеалар ривожига муносабати мавжуд эмас. Асарнинг бошқа қаҳрамонлари, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, характери ҳам бош қаҳрамон Ли У Сик тавсифи орқали баён этилади. Бу эса ўз навбатида корейс насрининг янгиликларидан бири деб эътироф этса бўлади.

Қисса Ким у Сикнинг ўзига берган таърифи орқали бошланади:

“내가 차운전을 시작한지도 벌써 육 년재다. 이젠 이우식이라면 운전이렌 썩 숙년한 승무원의 한 사람으로 간부들도 알고 있다. 그런 것이 내가 운전대에 오르면 나의 오른손은 자연히 에어컴프레서의 손잡이를 잡게 되고 왼손은 컨트롤러에 단다. 내가 운전을 하면 승객의 몸 중심을 잃지 않게 슬며시 떠나서는 날아 앉듯이 가만히

정지시킬 수 있다. 그까진 걸 자랑이라고 하는게 아니라 나는 그만큼 운전일을 해 먹었단 말이다".

"*Электричка ҳайдашни бошлаганимга ҳаш-паш дегунча олти йил бўлибди. Эндиликда Ли У Сик десалар каттаю-кичик, амалдор-у авом халққача билади. Мен рулга ўтириб, ўнг қўлим ҳаво компрессорига, чап қўлим узатгичлар қутисига етганда йўловчилар мувозанатни йўқотмай, ўзларини бамисоли тайёрада кетаётгандек ҳис қиладилар.*

Мен мақтанаётганим йўқ. Мен шунчаки электричкани шу даражада яхши ҳис қиламанки, йўловчилар мувозанатни йўқотмасликлари учун қаерда қайрилиш, қай пайт тормозни босиш, қай пайт юриб, қай пайт тўхташни қўлларим бирдек ҳис қилади".[10]

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, асар қаҳрамони ўзига ишонган, ўз ишининг устаси, эпчил ва уддабурон, ён атрофидаги воқеаларга ўз муносабати шаклланган шахс. Фикрини баён этишидан қатъий инсон образи. Юқоридаги сифатларга Ли У Сикнинг ҳақиқатпарвар ва холис инсонлигини ҳам киритиб ўтиш мумкин. У ўзининг жамиятда тутган ўрнидан ҳеч ҳам уялмаслигини қуйидаги гаплари билан исботлаган десак муболаға бўлмайди:

"털어놓고 말하면 나는 무식한 편이다.나는 중학교라구는 문 앞에도 못 가봤다".

"Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, мен ўқимаган инсон эдим. Мен ўрта мактабнинг ҳаттоки эшигига ҳам яқин йўламаганман".[11]

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, асар қаҳрамони ҳақиқатпарвар ва дангалчи. Бироқ унинг сўзларини ортида замон шароити орқали илм олиш бахтидан мосуво бўлган ўзи ва у каби ҳамюртларининг аянчли ҳолига ишора бор.

[10] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, "전차운전수", 서울, 1991. P.-123

[11] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, "전차운전수", 서울, 1991. P.-127

Асар мавзусини мустақилликка эришиш арафасидаги вазият ва корейс халқининг ҳолати қамраб олган. Воқеалар ривожи Ли У Сик ва ҳамкасблари ўртасида бўлиб ўтади.

Бунда мазкур персонажлар феъл-атвори баъзан очиқ-ойдин киноя билан чизилган.

Бунга Ким Хак Су образи мисол бўлиши мумкин.

“젱병 같은 얼굴에 세우 눈을 한 운전수 김학수가 운전이 끝나도 굼벵이같이 느림 걸음걸이로 차고나 잔차과에서 어물어물하고 차고인부들과 쑤군쑤군하는 걸 나는 잘 안다”.

“Юзлари бир банка мураббога, кўзлари қисқичбақага ўхшаган бу ҳайдовчини исми Ким Хак Су бўлиб, у ишдан кейин гараждан ёки деподан худди илонга ўхшаб секин сассиз судралиб чиқади. Кимлар билан шивир-шивир қилади. Мен буни аниқ кўриб турардим”[12].

Ким Хак Су –салбий қаҳрамон. У фақат ўзи ҳақида ўйлайди. Ёзувчи ўз асарларининг бош қаҳрамонлари портретларини ҳам ўзига хос услубда чизганини кўришимиз мумкин. Улар асосан қолган персонажлар фонида йирик бўёқлар билан чизилади. Бу фон бош қаҳрамон феъл-атвори ва ҳатти-ҳаракатларининг хусусиятларига урғу беришга хизмат қилади.

Асарда маълум бир жабҳадаги танглик ёритилиши орқали Кореянинг мустақилликкача бўлган иқтисодий, ижтимоий аҳволини кўришимиз мумкин. Қуйидаги парчада кўпгина ишчиларнинг ҳайдалишига қаҳрамоннинг муносабати кўрсатилган. Бош қаҳрамон Ли У Сик ўртоқлари билан бирлашишга ҳамда барча қийинчиликларга бардош беришга ҳаракат қилганининг гувоҳи бўламиз.

“승무원이 줄어든 데 섭섭하기는 하나 우리는 해방 전처럼 흩어져 각기 제 서룸과 제 기쁨을 따로따로 가지고 자지 않고 한데 단단히 뭉친 것은 참 믿음 직한 일이다. 우리는 모두 조합에 가입했다. 그리고 우리는 모두 조합에서 지시하는 데 따로

[12] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-130

모든 행동을 같이한다. 조합의 지시를 반대하거나 시들히 여기는 승무원이 한 사람이라도 있으면 우리는 끝까지 싸워야 한다".

"Ишчилар сонининг кескин камайиб кетиши ачинарли, албатта. Озодликка эришмасдан олдин биз ҳеч қачон ўз ташвишларимиз ҳамда қувончларимиз билан ёлғиз қолмаганмиз. Биз ҳар доим бирлашишга ҳаракат қилар эдик. Фақат шу йўл билан яшаш мумкинлигига ишонардик. Биз касаба қўмитасига аъзо эдик. Касаба қўмитаси томонидан берилган вазифаларни маслаҳатлашиб бажарардик. Агар кимдир касаба қўмитасига аъзо бўлиб, берилган топшириқларни бажаришни ҳоҳламаса ёки норози бўлса, у билан охиригача курашардик"[13].

Аммо ҳамма ишчилар ҳам бундай бирлашувга рози эмас эдилар. Шу билан бирга бундай бирлашувларга тўсқинлик ҳам кўрсатишар эди. Қиссадаги Ким Хак Су, Ча Ёнг Сон каби салбий қаҳрамонлар ҳамда улар орқасида турган "ҳомийлар" ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай қабиҳ ишга тайёрдир.

Муаллиф қисса қаҳрамони орқали ўзларини қўшниларидан бойроқ ва олижаноброқ қилиб кўрсатишни истайдиган одамларнинг манманлиги ва такаббурлиги устидан кулади. У Сик анча ночор яшасада, ўз ишини билади:

"방 안에 두부찌개 국이랑 콩나물 접시, 그리고 고뿌가 즐비하게 좋여 있고 고뿌 임자들이 둘러앉아 있었다...

나의 두 주먹에 힘이 쥐어졌다. 나의 고생은 언제나 일반이었다. 가끔 끼니를 굶고 자주 콩나물 죽을 먹어야 하는다…"

"Хонадаги столда тофули шўрва, салат ва оддий авом учун тансиқ бўлган бир неча таомлар қўйилган бўлиб, стол атрофида депо хизматчилари ширакайф ҳолда….

[13] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, "전차운전수", 서울, 1991. P.-130

Ғазабдан қўлим мушт ҳолга келганини сездим. Ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрган эдим. Ҳаттоки, бу қийинчиликлар кундалик ҳолга айланди. Баъзан оч ҳолда ухлашим, баъзан эса дуккакли ўсимлик баргидан таомландим. Булар эса…[14]

Юқоридаги парчалардан кўриниб турибдики, “Электричка ҳайдовчиси”да Хак Су ва унинг ҳамтовоқларида ватанпарварлик ҳис-туйғулари иккинчи даражали аҳамият касб этади, биринчи ўринга ҳаётнинг жамиятдаги мавқе билан узвий боғлиқ бўлган моддий томони чиққанини кўришимиз мумкин.

Биз пул топиш йўлида қаҳрамон ўзининг соғлиғини йўқотгани орқали мустамлака ва мустақиллик арафасидаги халқнинг моддий ва руҳий ҳолатини гувоҳи бўламиз:

“징용으로 일년쯤 일본으로 깠다가 나처럼 위장병에다 각기로 반병신이 되어 돌아온 동생이 집에 누워 있었다. 시급 십칠 전 한 달에 대강 삼백사오십 시간 승무했으니까 수당까지 합쳐서 구십원 가까운 나의 수입이 없으면 내 동생의 끼니를 이어줄 수 없었다”.

“Япониядан қайтган укам мен каби ошқозон гастрити касаллигини орттириб, уйда паралиж ҳолатда ётар, 340-350 соатлаб ишлаб, 90 вон ойликка ишлаб уни боқа олмасдим. Шу сабаб ҳам белгиланган иш соатидан ортиқ, қўшимча соатбай ишлар эдим”.[15]

У Сик мисолида муаллиф жамиятда фаол бўлган авом типини ҳам кўрсатишни ҳоҳлаган, уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳаёт тарзини ўзгартиришга қаратилади. Улар ўзларининг оиладаги ёки жамиятдаги мавқеи билан келишишни истамайдилар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадилар, халқ фаровонлиги учун юксакроқ натижаларга эришишга ҳаракат қиладилар.

[14] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-134

[15] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-126

Шуни қайд этиш лозимки, “Электричка ҳайдовчиси” қиссасидаги қаҳрамонларнинг аксарияти инсонга ўзи билан ўзи уйғунликда қолиш имкониятини берувчи маънавий негизларни йўқотган. Ҳокимиятга, бойлик орттиришга интилиш ёки амалда эришилган юксак турмуш даражаси бундай инсонларни нотабиий ва носамимий ҳатти-ҳаракатларга ундайди. Ижтимоий фаол бўлганлари ҳолда, улар ўзларининг инсонийлик сийратини йўқотадилар.

Шундай қилиб, Ким Ён Сок ўз асарларида муайян давр одамларининг ҳаётини тасвирлаш билан кифояланмасдан ижодкор зиёлиларни ҳамиша тўлқинлантириб келган муаммоларни ҳам кўтаради. Булар инсон ички дунёсининг уйғунлигига тааллуқли бўлган муаммолардир.

Шуни қайд этиш лозимки, Ким Ён Сок асарлари бир ўзига хос хусусият билан тавсифланади: адиб воқеаларга ёки қаҳрамонларга ўзининг муносабати ҳақида очиқ-ойдин ёзмайди, у фақат оддий одамлар ҳаётидан олинган воқеаларни ҳикоя қилади. Аммо бир қарашда аҳамиятсиз бўлиб туюлган тафсилотлар замирида баъзан муаллиф китобхонга етказмоқчи бўлган фикр яшириниб ётади. Асардаги ҳар бир фикр, ҳаттоки ҳар бир жумла муайян мақсадга хизмат қилади ва аниқ бир мазмун касб этади. Аксарият ҳолларда уларнинг тагида теран маъно яшириниб ётади.

Бу ерда яшовчи одамлар ҳам табиийликни йўқотганлар, уларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари, ҳатто хайрия тадбирларида қатнашишлари ҳам даромад олиш, обрў-эътибор қозонишга қаратилган. Яқин кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам табиий деб айтиш мушкул.

У ҳатто ўзи атрофдагиларда қандай таассурот қолдириши ҳақида ҳам ўйламайди.

Қиссада биз табиат тасвирига деярли дуч келмаймиз, уларда дунёнинг гўзалликларига қизиққан ва улардан ҳайратланган бирорта ҳам қаҳрамон йўқ. Шу нарса диққатга сазоворки, кўриб чиқилган асарларда аёлга муҳаббат масаласи умуман қўйилмаган.

Бир сўз билан айтганда асар меҳнаткаш ва жафокаш, Ким у Сикнинг озодлик сабаб мансаб, бошқарувни қўлга киритишни ҳоҳлаган ҳамкасбларига қарши кураши ҳақидадир. Бу кураш орқали муаллиф, қаҳрамонлар ва уларни қуршаб турган замондаги муаммоларни ёритиб берган. Шунингдек асардан озодликкка эришгандан сўнгги халқ қувончи ҳам таъсирли ифодаланган. Муаллиф кўрган кечирганларини бош қаҳрамон оғзидан ҳикоя қилган. “Электричка ҳайдовчиси” қиссасида У Сик онаси уни уйқудан уйғотгани тўғрисидаги жумлани ҳисобга олмаса, воқеалар ривожида умуман аёл иштироки мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Асар қаҳрамони Ким У Сик атрофдаги сохта муносабатларга тўла ҳаётда умид узмай ўзи қатъий белгилаган йўлдан олға кетиши билан асар якунланган. Салбий қаҳрамонлар кирдикорларини бошлиққа очиқ-ойдин айтгандан кейин қўл қовуштирмай ватан озодлигига ва жамият фаровонлигига чақиришни кўнглига тугади. Эртанги кунга умид билан яшайди. Дарҳақиқат, ҳаёт шундай. У кундан кунга оғир ва шафқатсиз бўлиб боради, лекин, шунга қарамай, ҳар биримиз эртанги кун бахтли бўлишига умид қиламиз.

2.2 “Электричка ҳайдовчиси” асарида ички монолог

Ким Ён Сок ўз асарларини қаҳрамонлари ҳаётини қуршаган муҳит тасвиридан бошлайди. Бир қарашда айрим эпизодларнинг асосий воқеалар билан боғлиқ эмаслиги, уларнинг суст ривожланиши муаллифнинг аниқ мўлжали – юз бераётган воқеаларни бутунлай табиий қилиб кўрсатишга бўйсундирилган. Воқеалар ривожлангани сари қаҳрамон ва эпизодлар ўртасидаги муносабатлар аниқлашиб боради. Асарда иштирок этувчи барча шахслар асарнинг асосий можароси гирдобига у ёки бу тарзда тортилган.

Муаллиф ўз асарларида оддий меҳнаткаш – деҳқон ёки ишчи мисолида ёзувчи 20-йиллар жамиятининг ҳаётини романда кўрсатиб

берган. Ўша давр нафаси, унга хос бўлган хусусиятлар асар қаҳрамонларининг образларида ва воқеалар ортидаги тарихий фон тасвирида бўртиб намоён бўлади.

Корея тарихида бурилиш ясаган даврлардан бирида корейс жамияти ҳаётининг манзаралари унча йирик бўлмаган бир асарга сиғдирилган. Ким Ён Сок асарга оз сонли иштирок этувчи шахсларни киритади, фақат энг муҳим воқеаларнигина танлаб олади. Кўз ўнгимизда қаҳрамонларнинг бутун ҳаёти эмас, балки уларнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларгина намоён бўлади.

Воқеалар баёнининг қисқа ва лўндалигига муаллиф сўзлар ва жумлаларни аниқ танлаш йўли билан эришади. Ёзувчи камдан-кам ҳолда уларнинг мазмунига ва ўз қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларига изоҳ беради. Бунда шу даврнинг машҳур ёзувчиси Ем Сан Соб таъбири билан айтганда, муҳим бадиий принциплардан бири намоён бўлади: “Ёзувчи психолог бўлиши, лекин буни ошкор этмаслиги керак; у воқеа-ҳодисаларнинг илдизларини билиши ва ҳис этиши, лекин воқеа-ҳодисаларнинг ўзинигина тасвирлаши лозим”[16].

Ким Ён Сок асарида яратган образларга уларнинг халқ руҳи, халқ идеаллари ва ахлоқий меъёрларга яқинлиги нуқтаи назаридан баҳо беради. Муаллиф маънавий жиҳатдан ўзига яқин бўлган қаҳрамонларнинг қиёфаларини чизар экан, уларнинг ички дунёсини тасвирлайди, ички дунёсини тасвирлашни эса ички монологни қўллаш орқали ёритиб беради.

“나는 날 나는 깊이 간직했던 원하늘 풀 있었다… 나는 한 사람의 청년이었다. 나는 몇 사람의 거만한 친구처럼 집에 나와 갈아 입을 세비로 양복도 없었고 그런 친구들과 같이 갈보집을 가볼 여유도 없었다. 허다못해 켑 하나 쓰지 못하고 언제나 승무원 제모의 승무복으로 만족했을부더러 그것을 입고 아무 델 가도 수치스럽지 않았다. 나는 한 사람의 떳떳한 조선의 청년이었던 것이다”.

[16] Уч авлод. «Корейс адабиётидан танланган асарлар» тўпламидан. Сеул, 2000. – Б.35

“Ўша кун мен ёшлик даврларимни эсладим…

Менда ахир ўша вақтлар калондимоғ дўстларим каби костюм шим кийиш, кўнгилочар жойларга бориш имконияти йўқ эди эди-ку?! Менда ҳатто кепка ҳам йўқ эди. Мен доим иш формасида юрганман. Қаерда пайдо бўлмайин кўзга ташланмас ҳолда эдим. Менинг кўриниш ўша даврдаги халқи ёшларининг кўриниши эди”.[17]

Биз асарнинг ҳар бир эпизодида муаллиф “яширин психолог” сифатида иш кўрганлигининг гувоҳи бўламиз.

“김학수의 패가 오륙 인인 줄만 알아서는 안 돼네! 아귀의 이 빨이 걸린 동무들이 도합 오십칠 명, 이 동무들을 우리 편으로 빼오지 않으면 우리의 단결은 있을 수 없는 걸 알아야 하네!”

“Ким Хак Су ва унинг 57 кишидан иборат тарафдорларини шайтон йўлдан оздиришига йўл қўйиш керак эмас! Улар тузган режа амалга ошмаслиги керак. Оддий ишчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи профсоюз йўқ бўлишига йўл қўйиб бўлмайди![18]

Юқоридаги парчада қаҳрамоннинг фикрлар оқимини кўришимиз мумкин. У ўз рақибларини енгишни эмас, уларни нотўғри йўлдан қайтаришни мақсад қилади. Бу орқали эса инсонпарварлик ғоясини илгари суради.

Қаҳрамоннинг ҳар бир нутқи орқали биз уларда онг оқими, ички монолог, хотира кесишуви, лаҳзали изтиробларни учратамиз. Адиб ички монолог билан бир қаторда хотира монологидан ҳам моҳирона фойдаланилган. Қиссадаги ҳар бир ҳолат билан У Сик орқали танишиб борар эканмиз, улар ўқувчига рўй-рост ҳикоя қилинаётганлигига гувоҳ бўламиз. Қаҳрамон ҳатти-ҳаракатларида эса инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини сақлаб қолиши керак деган ғоя илгари сурилади.

[17]"다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-127

[18] O'sha manba.

“Электричка ҳайдовчиси” асарининг композицияси ўзига хос. Ёзувчи воқеаларни тинимсиз бир жойдан бошқа жойга кўчиради, бир сюжет чизиғи билан боғлиқ воқеалардан бошқа сюжет чизиғи билан боғлиқ воқеаларга ўтади. Ҳаётнинг турли воқеалари ўзаро боғланган бўлиб, уларнинг кетма-кетлиги муаллифнинг умумий ғояси билан белгиланади. Китобхон турли жабҳаларда юз берувчи воқеалар гувоҳи бўлиши натижасида уларни таққослайди, уларга баҳо беради ва шу тариқа уларнинг асл мазмунини янада теранроқ тушуниб етади. Ҳаёт унинг қаршисида ўз ранг-баранглиги билан тўлиқ намоён бўлади, ҳаёт воқелиги турли томонларининг мураккаб алоқалари, инсон хатти-ҳаракатларининг илдизлари очиб берилади.

Қиссада, айниқса, ички монологнинг ўрни катта. Сабаби қисса бошдан охиригача биргина қаҳрамон Ли У Сик тилидан сўзланади. Ки Ён Сок ўз асарларини жумладан, ушбу асарни ҳам қаҳрамон тилидан сўзлаб, ўқувчи билан бевосита мулоқотга киритган.

Бўлим хулосаси сифатида айтиш мумкинки, “Электричка ҳайдовчиси” - ўрта табақанинг турли қатламлари вакиллари ҳаёти, турмуш тарзи ва хулқ-атворини тасвирловчи, кам сонли қаҳрамонлардан иборат, лекин шу билан бир вақтда муаллиф ижодий услубининг ўзига хослигига кўра залворлиликдан холи бўлган ажойиб асар. Ҳаёт ҳодисаларининг теран қатламларига кириш ўрнига қаршимиздан ҳаётдан айнан кўчирилган манзара ёки, таъбир жоиз бўлса, “зоҳирий адабиёт” (“한 산무”- Хан Санму)[2] ўзининг бор жозибали қирралари билан намоён бўлади.

[2] Кўрсатилган асар. – Б.18

2.3. “Электричка ҳайдовчиси” образларининг психологик портрети

Замонавий корейс адабиётида ўзига хос услуб эгаси ҳисобланган Ким Ён Сок ижоди ўзининг психологизм ва психологик таҳлил маҳорати билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Психологизм - Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда “Ёзувчи маҳорати” муҳим жиҳатдир”.[19] Бунда ёзувчи қаҳрамон ички дунёсини, психологиясини ўз услуби орқали очиб беради. Унда ёзувчи ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, галлюцинация, туш каби психологик тасвир воситаларидан фойдаланиб, қаҳрамон ички оламини очиб беради. Бунда ёзувчи қаҳрамон ташқи дунёга фақатгина ички дунёсини ёритиб бериш учунгина мурожаат қилади.

“Электричка ҳайдовчиси” асарининг сюжети Кореяда бўлиб ўтган реал воқеалар асосига қурилган. Муаллиф ўз асарида Кореянинг Япония аннекциясидан озод этилганлиги, халқ қувончини, озодлик нашидасини ифодалаган. Аммо ёзувчи янги давр, озодлик қувончини ёритиш билан бирга ўтган кунлар ҳақида қайғуради. Унинг асарларидаги бўлиб ўтган воқеалар фақат фон бериш ёки бугунги куннинг ютуқларини ажратиб кўрсатиш учун эмас, балки қўлга киритилган озодлик шукуҳининг қадрияга етиш, эрк ва ҳурликни қадрлашга қаратилган. Бу ҳақда Ким Ён Сок ўзининг очеркларидан бирида шундай ёзади: “Майли, минг йиллар ўтсин, аммо мусибатлар нина каби санчилиб туради”[20].

Ёзувчи эски Корея образини чизиш орқали ўз аждодларининг маънавий қиёфаси-сиймосини тасвирлайди. У корейс халқининг бошидан кечирган қора кунларида ҳам ўз маънавий гўзаллигини йўқотмаганлиги, матонати, сабр-тоқати, чидамлилиги, букилмас иродаси, саботлиги ҳақида гапиради.

Муаллиф ўз асарида озод, ҳур инсон қандай йўлдан бориши ҳамда янги жамиятни қуришни қайси тарзда амалга ошириши керак, деган

[19] Шодиев Н.Т.Абдулла Қаҳҳорнинг психологик маҳорати. Фил.ф.д. -Т., 1974. -Б. 1.
[20] “Корея”. Сборник статей. Москва. 1998 г. С.143

масалани қўяди. Корейс халқини тўлқинлантирган, узоқ ўйларга чўмишга мажбур қилган айнан мана шу мавзу Ким Ён Сокнинг “Электричка ҳайдовчиси” асарида ўз аксини топган. Асарда муаллиф бош қаҳрамон мисолида ўзининг фикр-мулоҳазалари, ғояларини ифодалаган. Бош қаҳрамон, ҳайдовчи Ли У Сик ишчилар вакили сифатида намоён бўлади. У шундай дейди:

“Ишчи – бу янги қурилаётган давлат жаҳон демократик мамлакатлари қаторидан ўрин олишига ишонадиган, қатъий характерли жамият қаҳрамонидир” [21]

Асарда оддий ҳайдовчининг ҳақиқий ҳаёти ҳеч қандай бўёқларсиз, қийинчиликларсиз тасвирланган. Мустамлака йилларида мислсиз қийинчиликларни бошидан кечирган қаҳрамон Ли У Сик ниҳоят, ғалабага эришди. Барча асарларида адиб бу халқнинг ҳаётга бўлган интилиши, ёвузлик, ёмонлик, зўравонлик ва қабиҳликлар ҳоли ҳаёт кечириш каби ғояни олға суради.

Қисса қаҳрамоннинг ўз иши ҳақида ҳикоя қилишидан бошланади:

Ли У Сик олти йил давомида электричка ҳайдовчиси бўлиб ишлайди, у ўз ишига жуда ҳам меҳр қўйган бўлиб, электричканинг ҳар бир деталини яхши билади. Ҳайдовчи машинага ўтириши билан ўзини эркин ҳис қилади, йўловчиларни ўз манзилларига етказиб қўйиш унга ҳузур бағишлайди.

“내가 차운전을 시작한지도 벌써 육 년재다. 이젠 이우식이라면 운전이렌 썩 숙년한 승무원의 한 사람으로 간부들도 알고 있다. 그런 것이 내가 운전대에 오르면 나의 오른손은 자연히 에어컴프레서의 손잡이를 잡게 되고 왼손은 컨트롤러에 단다. 내가 운전을 하면 승객의 몸 중심을 잃지 않게 슬며시 떠나서는 날아 앉듯이 가만히 정지시킬 수 있다”.

“Агарда мен рулга ўтирсам, ўз-ўзидан ўнг қўлимни ҳаво компрессорга узатаман, чап қўлим эса узатмалар коробкасида бўлади. Мен

[21] “Корейская литература”. Сборник статей. Москва. 1959 г. С.138-139.

электричкани шундай ўт олдираман-ки, йўловчилар мувозанатни йўқотмайдилар, худди самолёт каби оҳиста тўхтатаман.

Мен мақтанмаяпман, фақат шуни айтмоқчиманки, машинани шундай ҳис этаман, яъни керакли жойда компрессорни хатосиз бураман, йўловчилар мувозанатни йўқотмасликлари учун тормозни ҳам кескин босмайман. Электричка жойидан қандай чиройли қўзғалиши ҳамда тўхташи менинг қўлларимга боғлиқ”[22]

Асосий қаҳрамон Ли У Сик эркин фикрли, қайсар, озодлик йўлида қаршилик кўрсатган инсонларга нисбатан ўз ўртоқлари билан бирга қарши тура олган инсон. У янги давлат ва адолатли жамият қуриш учун барча тўсиқлардан ўтишга тайёр. Бу ғоя Ли У Сик ҳаётининг мазмунига айланди.

Озодлик даври – янги давр бошланди. Бу кун эса қаҳрамон ҳаётида кескин бурилишлар ясади. Илгари одамлар турмуш даражасидаги тенгсизликлар аниқ-равшан кўриниб турар эди. Бу тенгсизликнинг илдизлари одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидаги фарқларга бориб тақалади. Бизнинг қаҳрамон эса ўзининг “соддалиги” билан жалб қилади, самимияти ва ҳаёт бўҳронларига сабр-бардошлилиги билан ҳайратга солади.

Асарга эътибор берадиган бўлсак, воқеалар ривожида муаллиф бош қаҳрамон у сикни турли хил кайфиятда тасвирлаш орқали руҳиятига чизги беради. Масалан :

“237 호차가 어째 이렇게 늦었어?”

이렇게 잔소리를 하면 나는

“그렇게 됐소이다!”

237 поезд нима учун кеч қолди?-деб бўлим бошлиғи бақирган бир вақтда мен:

“Шундай бўлиб қолди!”-дедим.

---

[22] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-127., Муаллиф таржимаси

Юқоридаги парчада У Сик вазиятга реал баҳо берувчи, жасур, ҳақиқатдан тап тортмас шахс сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат, қиссанинг охиригача У Сик ўзи белгилаган йўлдан оғишмай боради.

“나의 두 주먹에 힘이 쥐어졌다”.

“Ғазабдан икки қўлим ҳам мушт бўлиб тугилди”.[23]

Бунда эса У Сик вазиятга тўғри баҳо бериб ўзини жаҳлдан тийиб тура оладиган инсон эканлигини кўришимиз мумкин. Айнан шу хусусияти орқали асар давомида рақиблари тузган режадан бохабар бўла олади. У Сик жамиятнинг зиёли қатламига мансуб бўлмасада, ҳаётий тажрибага эга, вазиятдан келиб чиқиб иш кўра оладиган уддабурон шахс образидир.

Асарда салбий қаҳрамон ҳисобланган Ким Хак Су образига ҳам У Сик томонидан бош қаҳрамон дунёқарашига мос таъриф келтирилади. Бу орқали у рақибининг образини яратади.

“젱병 같은 얼굴에 세우 눈을 한 운전수 김학수가 운전이 끝나도 굼벵이같이 느림 걸음걸이로 차고나 잔차과에서 어물어물하고 차고인부들과 쑤군쑤군하는 걸 나는 잘 안다”.

“Юзлари бир банка мураббога, кўзлари қисқичбақага ўхшаган бу ҳайдовчини исми Ким Хак Су бўлиб, у ишдан кейин гараждан ёки деподан худди илонга ўхшаб секин сассиз судралиб чиқади. Кимлар билан шивир-шивир қилади. Мен буни аниқ кўриб турардим”[24]

Адиб қисса қаҳрамонлар портретини яратиш билан бир вақтда психологик портретини ярата олган. У психологик портретга алоҳида тўхтаб ўтирмайди, балки ички монолог, нутқий характеристикаси ва бошқа бадиий тасвир воситалари ёрдамида ҳикоя давомида тасвирлайди. Бу йўл билан ёзувчи китобхонни воқеалар гирдобига аста-секин жалб қилиб, “энг асосий воқеалар, фактларга” тайёрлаб боради. Худди шундай ҳикоя давомида Ли У Сик ва Ким Хак Су хислатлари, сирлари, характерлари

[23] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-127., Муаллиф таржимаси

[24] "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991. P.-130., Муаллиф таржимаси

очилиб боради. Ҳикояда ички монлог ва нутқий характеристика ажралмас бирлик сифатида қўлланилгани сабаб ҳам қаҳрамонларда атроф-муҳит ва ундан одамларга муносабатини ҳам кўрсатиб берган.

Ватан тақдири ҳақида ўйлар, халққа хизмат қилиш, халқ озодлигини кўриш, адолатли давлат қуриш, инсонлар тенг ҳуқуқлигига эришиш – буларнинг барчаси Ким Ён Сок асарларининг бош мавзуларини ташкил этади. Аммо “Электричка ҳайдовчиси” асарида бу мотивлар янгича оҳангда жаранглади, бу халқнинг янгича дунёқараши билан боғлиқ эди.

Ким Ён Сок яратган асарлари қаторидан салмоқли ўрин олган ҳикоялари кўпроқ “очиқ айтилган фикр-мулоҳазалар”га ўхшайди. Улар муаллифнинг “Сўзбоши ўрнида” келтирган сўзлари билан белгиланади. Бу ерда Ким Ён Сок *санъаткорнинг* асл вазифасини баён этади.

Ким Ён Сок ўзининг ҳар бир инсонни тўлқинлантирадиган мавзуларни ёритиш маҳорати билан турли ёшдаги китобхонлар эътиборини қозонган ёзувчидир. Оддий инсоннинг кундалик ҳаёти, бу ҳаётнинг икир-чикирлари адибнинг диққат марказида туради.

ХУЛОСА

Корея – қадимги, ўзига хос цивилизация мамлакати. У Шарқ бадиий маданиятида ҳақли равишда юксак ўринлардан бирини эгаллайди. У Шарқнинг бадиий ҳаётини тўлдириб ва янги қирралар билан бойитибгина қолмасдан, балки инсониятга жаҳон маданияти классик меросининг ажралмас қисмига айланган бир қанча дурдоналарни ҳам берган.

Ҳозирги замон фанининг вазифаси бу битмас-туганмас қатламни очиб беришдан иборат, зеро Шарқ бадиий маданиятининг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Бу муаммони ўрганишга кўпгина таниқли олимлар ўз тадқиқотларини бағишлаганлар. Бу вазифа ҳозирги тадқиқотчилар учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Шу ўринда ушбу тадқиқот иши ҳам Корея замонавий адабиётини англаш йўлидаги қадамлардан бири бўлиб, битирув малакавий ишимизни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Асар мавзуси ёритиб берилган давр Корея мустақиллиги эълон қилиниши арафасидаги вақтни ўз ичига олади. Замон билан ўзаро боғлиқ ҳолда мустақиллик арафасида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабаб инсонлардаги шахсият иккиланиши ёзувчи томонидан моҳирлик билан ёритиб берилган.

2. Психологик тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган. Ички монолог, портрет воситалари ҳикоя қаҳрамонлари образини, уларнинг ички кечинмаларини очиб беришга хизмат қилган.

3. “Электричка ҳайдовчиси” қиссасининг образлар силсиласи турлича бўлсада, воқеалар ривожи бош қаҳрамон томонидан ҳикоя қилиб берилиши давомида онг оқими, ички монолог, хотира кесишуви, лаҳзали изтиробларни учратамиз. Асарда диалоглар кам қўлланилиб, ички монолог қаҳрамонлар ички дунёсини ёритилишини осонлаштирган деб айтсак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида ёзувчи қаҳрамонлар ички дунёсини очиб беришда ўз услубига эга эканлигидан дарак беради.

4. Асарни ўқиш давомида китобхон Ким Ён Сок ижодидаги мавзулар манбаси муаллиф бошдан ўтказган давр бўлганига ишонч ҳосил қилади. Муаллиф воқеалар ривожи орқали мустақиллик арафасидаги новатор ва консерваторлар жангини олиб чиққан. Асар бош қаҳрамонидаги оптимизм орқали эса, 1945-йиллардаги корейс миллатининг руҳий интилишлари, янги давр учун курашни тасвирлаган.

5. Ким Ён Сок асарга оз сонли иштирок этувчи шахсларни киритиб, фақат энг муҳим воқеаларнигина танлаб олган. Шу сабаб ҳам кўз ўнгимизда қаҳрамонларнинг бутун ҳаёти эмас, балки уларнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларгина намоён бўлади.

6. Воқеалар баёнининг қисқа ва лўндалигига муаллиф сўзлар ва жумлаларни аниқ танлаш йўли билан эришган.

7. Ким Ён Сок ижодий ёндошувининг бетакрорлиги шундаки, қаҳрамонлар портретининг ўзида уларнинг руҳияти намоён бўлади.

8. Бир сўз билан айтганда Ким Ён Сок асарларининг ўзига хослиги асарлар персонаж тилидан ҳикоя қилиниши ва китобхонни руҳий кечинмаларга моҳирлик ила олиб кира олиши билан аҳамиятлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РОъЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

1. Ислом Каримов Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Ислом Каримов Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т.: Маънавият, 2009.

II. Дарслик, ўқув қоъланма ва бошқа асарлар:

3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: Ўқитувчи, 1986.
5. Ким В.Н., Сайдазимова У.Т., Пак И.Л., “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея)-1 Ўқув қўлланма Т., 2010.
6. Ким В.Н., Сайдазимова У.Т., Пак И.Л., Эм А. П., “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея)-2 Ўқув қўлланма Т., 2011.
7. Умиров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. -Т.:Фан, 1983.
8. Шодиев Н.Т.Абдулла Қаҳҳорнинг психологик маҳорати. -Т., 1974.

III. Хорижий адабиётлар:

9. "다시 읽어야 우리 서설" 김영석, “전차운전수”, 서울, 1991.

10. 권영민 현대 문학사. 서울. (1896-1945).

11. 권영민 편.한국현대문학대사전.서울대학교출판부.서울:2004.

12. 김운식, 김현. 한국문학사. “민움사”. 서울:1973.

13. 김만수, 서경석, 정호웅, 한형구. 고교 생을 위한 문학사. 도서출판 강, 1998.

14. 송희복. 문학의 길 잡이. “박이정”. 서울: 2003

15. 강진호, 요성외, 문학 작품 바로 읽기, “문학사상사”, 서울. 2003.

16. 이선이, 구자황, 한국 현대 문학 산책 Модерн Кореан Литературе, 서울.:2012.

17. Виноградова Н.А., Николаева Н.С. Малая история искусств. – М., 1979

18. Ким Ёон-шик. Ундерстандинг Модерн Кореан Литературе. Сеул. 1998.

19. Чое Тонг-хо, Ким Жу-ён, Ким Ёон-шик, Чёнг Хён-ки. Модерн Кореан Литературе (1945-1990). Тхе Кореан Културе анд Артс Фоундатион. Сеул: 1992

20. Корейско-русский словарь, 김 문 욱. Сеул. 2009.

21. Тэн А.Н. Очерки корейской литературы XX век (до 1945 г). 2003.

22.Чо Юндже. История современной корейской литературы. С.: 1962

23. Корея: цифры и факты. Сеул. 1993

IV. Илмий мақолалар тўплами:

24. Ланьков А.Н. Корейцы и книги. Сеульский вестник. Сеул. 1999.

25. Габрусенко Т. Корейская литература и российский читатель. Русский журнал Круг чтения. М. 2000.

26. Корейская литература. Сб. статей. – М., 1989.

V. Интернет сайтлари:

27. хттп://алтаиса.народ.ру/т-кореан.хтм

28. хттп://www.навер.ком/모더니즘/서설의 경우

29.хттп://блог.даум.нет/поеминг/

30. www.куронов.народ.ру/модернизм

31. www.йандех.ру/Лекции по зарубежной литературе XX века

Psixologizm nima degan savolga javob:

Психологизм - Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда “Ёзувчи маҳорати” муҳим жиҳатдир”.[25] Бунда ёзувчи қаҳрамон ички дунёсини, психологиясини ўз услуби орқали очиб беради. Унда ёзувчи ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, галлюцинация, туш каби психологик тасвир воситаларидан фойдаланиб, қаҳрамон ички оламини очиб беради. Бунда ёзувчи қаҳрамон ташқ дунёга фақатгина ички дунёсини ёритиб бериш уларгина мурожаат қилади.

Ўзбек адабиётшунослигида ва адабиёт танқид “психологизм” ва “психологик таҳлил” терминлари фарқланмай ишлатилади. Аммо бу икки терминни бир маънода қўллаш ноўриндир. Психологизм “психологик таҳлил” тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, у ўзида бевосита авторнинг психологиясини қамраб олади. У адабиётнинг ўзига хос қонуний ҳодисаси бўлиб, ёзувчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўлади. “Психологик таҳлил” эса инсон психикаси жараёнларини, унинг фикр ва ҳиссиётидаги турли-туман “оҳанг”лар ривожини акс эттирувчи, қаҳрамон руҳий дунёсини аналитик принципда очувчи эстетик категориядир. Шунингдек, психологизмга нисбатан психологик таҳлил ўзининг ички монолог, ўзиники бўлмаган нутқ, психологик портрет, икки сюжетли диолог каби аниқ белгиларига эга. Шундай қилиб, психологизм - адабиётнинг қонуний бадиий ҳодисаси, психологик таҳлил эса ана шу қонуний бадиий ҳодисанинг мураккаб кўриниши (категорияси)дир.[26]

[25] Шодиев Н.Т.Абдулла Қаҳҳорнинг психологик маҳорати. Фил.ф.д. -Т., 1974. -Б. 1.
[26] Умиров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. -Т.:Фан, 1983. -Б.17-19.